

# ИНСОН ВА ҚОНУН

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан  
чиқа бошлаган

2000 йил  
27 июн, сешанба

№ 26 (178)

Сотувда эркин  
нархда

Шу кунларда мамлакатимизда галла ўрими-йиғими энг қизгин паллага кирди. Бободоҳқоннинг фидокорона меҳнати билан етиштирилган ризк-рўзимизни нобудгарчиликка йўл қўймай, вақтида йиғиштириб

галла ҳосилини йиғиштириш мавсумида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда мулкнинг сақлалинига қаратилган қонун талаблари ижроси юзасидан умумий назорат тартибидеа текширув ўтказди. Текширув жараёнида аниқланган

Худди шундай ахвол "Бешкуви", Фозил Йўлдош номли, "Ўзбекистон", "Олқортепа", "Самарқанд", "Мингчино" ҳамда хўжаликларидеа, Ҳамид Олимжон номли ширкатлар уюшмасида ҳам мавжуд. Бу каби хўжаликлардаги

ни қабул қилиш хусусий корхонасидан олинган маълумотларда айрим хўжаликлар томонидан топширилмаётган дон давлат талабидан зиёд даражада нам экани ва мейёрдагидай тозаланмагани қайд этилган. Хусусан, Фозил Йўлдош номли ижара хўжалигида 16 июн кунини топширилган арпа дони, нотозалик чегараси 8 фоиздан, намлиги 19 фоиздан ошмаслиги лозим бўлган ҳолда 12 ва 21 фоизларни ташкил этган. "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида ҳам худди шундай ҳолга дуч келинди. "Ҳамид Олимжон" ширкатлар уюшмасига қарашли 8 гектар беда аралаш арпа экилган майдондаги ҳосил ўрилиб, ҳеч қаерга ҳисобот берилмагани, шу уюшма бош муҳандиси Х.Абдуллаевнинг мавжуд техникалар ҳолати ҳақида нотўғри маълумот бергани каби қонун бузилиши ҳолатлари қайд этилди ҳамда уларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Фаллани ўриб-йиғиб олиб, талаб даражасида тозалигини сақлаб, талон-тароҳ қилиниш асраб давлат омборларига тўқис-туғал топширишни пухта ташкил этиш ҳар бир хўжалик раҳбаридан тортиб, оддий механикаторгача жонкуярлик ва масъулият билан меҳнат қилишни талаб этади. Зеро, бу меҳнат замирида эл ризқи - ҳаммамизнинг ризк-рўзимиз этибдики, буни ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Э.СУЛТОНОВ,  
Булуғур туман  
прокурори,  
адлия қотта  
маслаҳатчиси,  
Ҳ.ҲАЛИЛОВ,  
туман прокурори  
ёрдамчиси,  
2-даражали юрист



Галла-2000

олишга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган хўжаликлар давлат омборларини дон билан тўлдириб, эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлмоқда.


Жорий йилда Булуғур туманида 14 минг 125 гектар майдонга галла экилди. Мана шу майдоннинг 9 минг 500 гектари сугорилмаган, 4 минг 625 гектари эса лалмикор ерларга тўғри келади. Туман хўжалиқлари бу йил давлатга 22 минг 800 тона дон сотишни мўлжаллаган. Айни пайтда мазкур вазифани тўла-тўқис ундаш учун барча куч ва имкониятлар ишга солинган. Бироқ тумандаги айрим хўжаликларда галла нобудгарчилигига йўл қўйилаётгани, қонунбузарлик ҳолатлари рўй бераётгани ачинарли ҳолдир. Яқинда Булуғур туман прокуратураси бир гуруҳ мутахассислар ҳамкорлигида туман ҳудудидаги хўжаликларда 2000 йил

бир қатор камчилик ва нуқсонлар айрим хўжаликларда галлани ўриб-йиғиб олиш суръатлари талаб даражасида эмаслиги, гайриқонуний ҳаракатларга йўл қўйилаётгани аён бўлди. Жумладан, "Булуғур" ширкат хўжалигида иккита галла ўриш комбайни ва битта дон қабул қилиш хирмони бўлиб, улар мавсумга вақтида ҳозирланмаган. На техникада ва на хирмонда ёнгини содир бўлганда ишлатилмайдиган жиҳозлар, на сув тўлатилган ҳовузулар ёки мосламалар бор. "Дўстлик" ширкат хўжалигида эса галла майдонларининг атрофи ёнгина қарши шудгор қилинмаган, хирмон теъварагига ҳар хил зараркуанда ҳашоратларга қарши кимёвий ишлов берилмаган. Электр симлари узук-юлук, алоқа воситаси йўқ, боз устига, хирмон очик-сочик жойда, атрофи ҳеч қандай тўсиқ билан ўралмаган.

қонунбузарликларни бартараф этиш учун туман прокуратураси томонидан хўжалик раҳбарлари ва хирмон мудирлари устидан Маъмурий Жиноят Кодексининг 211-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан иш қўзғатилди. Қирқ нафардан ортиқ хўжалик раҳбари, хирмон мудирлари расмий тарзда огоҳлантирилди, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида йигирма битта амрнома киритилди ҳамда Самарқанд вилояти бўш-сўт саноат бирлашмаси бошлиғи, Булуғур туман "Булуғур" Мевасабзавот бирлашмаси, туман мева қуриш ҳолдинг ҳамда Узум ҳолдинг бирлашмалари бош директорлари номларига тақдирномалар юборилди.

Тумандаги "Пир-Устоз" дон маҳсулотлари-

Бугун -  
Матбуот  
ва оммавий  
ахборот  
воситалари  
ходимлари  
кўни



**Эътибор**  
**АДЛИЯ ВАЗИРИ РАҒБАТЛАНТИРДИ**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.А.Полвон-зода оммавий ахборот воситаларининг жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ маданиятини шакллантиришда муносиб ҳиссаси, қонунчиликни тарғиб қилиш ва ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда кўрсатган фаол иштирокини қайд этиб, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини 27 июн - Матбуот ва оммавий ахборот ходимлари кўни муносабати билан рағбатлантирди.  
Бу эътибордан руҳланган матбуотчилар ҳуқуқий онг ва маданият тарғиботини янада кучайтиришга астойдил бел боғладилар.

Адлия вазирининг  
матбуот котиби

**Бизни қутлайдилар**  
Истиқлол шарофати босиб мамлакатимизда "тўртинчи ҳокимият"га нисбатан эътибор кучайди. Бир қатор тегишли қонунлар қабул қилиниб, оммавий ахборот воситалари ходимларини демократия жарчилири сифатида эркин фаолият юритишлари учун кенг қўллаш ишлари қилинди ва қилинмоқда. Бугун журналистлар касбий билим ва савиясини ошириш, айнақса, ҳуқуқ соҳасида қалам тегратган журналистларнинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш даври талаби. Улар мамлакатимизда ҳуқуқий жамият қуриш жараёнининг байроқдорларига айланмоқлари керак.  
Фурсатдан фойдаланиб, "Ҳаёт ва қонун" журнали "Инсон ва қонун" газетаси Бирлашган таҳририят иккунининг жамоасини ўз касбий байрамлари билан табриқлаб, тарғиб этишдек масъул хизматларига муваффақиятлар тилайман.

Зокир ИСМАТУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар суди Фуқаролик  
ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси



**Мухбир:**  
- Кечирасиз яхши қиз, айтинг-чи, "Ҳаёт ва қонун" журналини мунтазам ўқийсизми?  
- Йўқ, мен "Инсон ва қонун" ни ҳам ўқийман!



**БУГУНГЎ  
СОНДА:**  
ОСОНИ ЭРМАС  
МУХБИРГА  
ХОТУН  
БУАМОҚ,  
ШҲА СУРАБ  
ПАЛЖАСИГА  
ПАЛЖА  
ГРИМОҚ...

**ОСМОНИ  
ЙЎҚ  
ҚУШЧАЛАР**  
...Унга "опалик" қилган қўшмачи аёл Д...ни чилонзорлик дугонасига оширди. Энди қиз Чилонзорда янги "бекаси" толган жазмачилар билан туналарини ўтказоверади. Бироқ "Қўза кунда эмас, кунда сиёди" деган гап...

**ДИННИС  
ШОУ**

"Тўртинчи  
ҳокимият"  
фидойилари!  
Касб  
байрамингиз  
кутлуве  
булсин!

## КУРАШ БИР ЛАҲЗА ТЎХТАМАЙДИ...

Ҳаммамизга маълумки, "20-аср вабоси" деб аталаётган гиёҳвандлик, тинч оилаларнинг бузилиши, гўдакларнинг ногирон бўлиб туғилиши, наслининг айниқси каби иллатларни келтириб чиқаришдан ташқари кўпгина жиноятларнинг омили бўлиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Хоразм вилоятида гиёҳвандликка қарши кураш борасида қилинаётган ишлар хусусида вилоят прокуратураси ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бўлимининг бошлиғи Рустам ОТАЖОНОВ бизга қуйидагиларни гапириб берди:

Хил турдаги гиёҳванд воситалар тортиб олинди. Биргина Туркманистон Республикаси фуқороларидан 43 кг 584 грамм миқдордаги турли хил гиёҳвандлик воситалари вилоятимизга олиб келингани аниқланиб фож этилди. Жумладан Тошкент-Ўрганч йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган 10С 28-59 давлат белгилли автобус 10-сон Туямўйин божхона масканида тўхталиб текширилганда, Туркманистон Республикаси фуқароси Розигул Тожимуродова ҳамда самарқандлик Шоҳида Мўминовалар биргаликда 2 кг 584 грамм "опий" гиёҳванд моддасини белига боғлаб олиб келаётгани аниқланиб, жиноят устида кўлга олинган. Шунингдек, Питнак шаҳар милиция бўлими ходимлари ва Туямўйин божхона маскани ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор ишлар жараёнида самарқандлик Икром Қосимов бошқарувдаги "Нексия" русумли автомашина тўхталиб текширилганда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида яшовчи Самандарова Гулнеҳра ва Хазорасп туманида яшовчи Дилором Жумабоевалар биргаликда 450 грамм "героин" гиёҳвандлик моддасини ички кийимлари орасига яшириб кетаётганлиги аниқланиб, жиноят устида кўлга олинди. Яна бир мисол тариқасида Хазорасп тумани "Дўстлик" жамоа хўжалиғи 15-бўлимида яшовчи Мавлонов Одилбек турмуш ўртоғи Саодат Авазमतова ва танишлари шу жамоа хўжалиғининг 10 бўлимида яшовчи Хожиев Қазбек билан олинган гиёҳванд модда сотишда жиноий тил бириктириб 100 грамм "опий" гиёҳванд моддасини ҳар бир граммине 550 сўмдан фуқоро Ортиқовга сотаётганда милиция ходимлари томонидан ушланиб, уйлари тинтув қилинганида 95,6 грамм "опий" гиёҳванд воситаси ҳамда тарозии тошлари билан тортиб олинди.

### Гиёҳвандлик - иллат!

Вилоятда содир қилинаётган жиноятларнинг сабаблари ўрганилганда айрим турдаги жиноятларнинг ортишига, кенг тарқалишига ҳудди ана шу гиёҳвандликнинг айнан ўзи сабаб бўлаётгани аниқланди. Шунингдек, гиёҳвандлик жиноятнинг бу даражада ўсиши, тарқалишига эса кўпгина бошқа вилоят ва чет эл фуқороларининг гиёҳванд моддаларни вилоятимизга сотиш ва сақлаш мақсадида олиб келаётганликлари ва вилоят ҳудуди орқали ўтказишга уринишлари сабаб бўлмоқда. Вилоятнинг чегарадош ҳудудларида жойлашган шаҳар ва туман ҳуқуқини муҳофаза этувчи идоралари раҳбарлари томонидан гиёҳванд воситаларини қонунга хилоф равишда олиб ўтиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш мақсадида тўсиқ гуруҳлари ташкил қилиш ишларига алоҳида эътибор берилган ва шунинг натижасида ўтган йили 31 та қўшни республикалар фуқоролари томонидан содир қилинган жиноятлар фож қилиниб, жиноятлардан жами 58 кг 27 грамм ҳар

келинг ёрдамингизни аямган, - илтимос қилишга тушди меҳмон. - "Қуруқ қошиқ оғиз йиртар", деган мақолни эшитганмизми?  
- "Улуқ"нинг қилоси давлат нарҳида 10 сўм 90 тиғин, устига 49 сўмдан "шапка"сини узатасиз, маъқулми?  
Хуллас, нари-бери "саволашиб", 245000 сўм "чўзиш"га кўндирди. Бир-икки кунгунгач, харидор газнага 54500 сўм пул топширди, "шапка"ни эса раиснинг дам олиш хонасига олиб кирди.  
Пулар раис кўрсатган жойга қўйилди. Лекин... уларни раис эмас, балки вилоят прокуратураси ва ички ишлар хизмати ходимлари санаб олишди.

**Мансабни баъзилар чоқир отта ўхшатишадди. Жониворнинг жилови эгасининг қўлида бўлади-да! Афсуски, бундай чопагонлар Абдуллаевга ўхшаб, босар-тусарини адаштирив, ўзга хатарли йўлга равона бўлишадди. Айни ҳолда собиқ раис ўзининг 13 йиллик умрига завол бўлди.**

**Мўминжон БОБОМИРЗАЕВ,**  
Наманган вилояти прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси,  
Эркин ҚАМБАРОВ,  
журналист

## РАИС ОТДАН ҲАМ, ЭҒАРДАН ҲАМ ТУШДИ

Ривоят қилишларича, қадимда мамлакат раҳбарлардан бири бўлган шахс билмасдан қалтис хатога йўл қўйибди. Шунда подшо: "Сен Улим жазосига лойиқсан, аммо... бир шартим бор. Дунёда энг ширин нарса нима? Шу саволимга тўғри жавоб топсанг, жазодан сақланиб қолганинг мумкин, лебди. Бир кеча муҳлат ҳам берибди. Раҳбар уйига келиб, туни билан ўйлаб чиқибди, аммо жўлаб жавоб тополмабди. Унинг доноликда ягона қизи бор экан. Отасининг ўйчан ҳолини кўриб, "Агар мансабга, амалга бунчалик интилмаганингизда бу кўргулик бошингизга тушмас эди", лебди. Бу сўзни эшитган ота "Топдим, амал" дея қичқириб юборибди". Эртасига подшо ҳузурда берган жавоби маъқул келиб, гуноҳкор раҳбарнинг гуно-

ҳидан ўтган экан. Дарҳақиқат, амал ана шунақа, баъзиларга ширин туюлади. Шунинг учун одамлар унга интилади. Адолатли кишилар мансабга эришгач, кўпчиликнинг манфаатини ўйлаб иш тутди. Нафси ўпқонлари-чи? Улар фақат ўз ҳузур-халоватини кўзлайди, жингилдонни тўдириш қизиқтирди, ҳолос. Чортоқ туманида "Чортоқтола" ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Эркин Абдуллаев ана шу тоифадагилардан экан. У мансабга эришгач, босар-тусарини билмай қолди. Аввало у ижтимоий адолат принциплари мавжудлигини унутди. Дикқат-эътиборини ташкилотни бойитишга эмас, унинг маблағини ноқонуний йўллар билан ўмартишни ўйлади. Қандай қилиб дейсизми? Аввало манманликка берилди. Барча ютуқларни ўз шахсига боғлади, берилиб ишлаётгандек сез-

ди ўзини. Сал узоқроқ ишда бўлса, буни бошқаларга рўқач қилишни одат қилди. Бора-бора ишлаётганми, демак, маблағларидан кўпроқ манфаатдор бўлишим керак деган хулосага келди. Дастлаб 1999 йилнинг 8 сентябрида "Мен байрам ва дам олиш кунларидеа ҳам ишлаганман" дея ўзининг уч ойлик маошига 70 фоиз қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида буйруқ чиқарди. 21574 сўм пулни санаб, чўнтакка урди.  
Сўнг бироз ўйлаб сўнгги тўрт йил мобайнида меҳнат таътилига чиқмаганлиги ёдига тушди. Меҳнат таътилим қуйиб кетаверадим, яхшиси фойдаланмаган таътилга компенсация олақолай, дея номига буйруқ чиқарди. Бирварақайта 100126 сўмни чўнтакка урди. Бу ҳам қамлик қилди, чамаси. Ўзи бошқик жамият қошидаги пахта тайёрлаш пунктида яхши кўрсаткич билан ишлаган ходимларни рағбатлантириш ҳақидаги буйруққа ўз номини тиркаб, пункт ҳисобидан 2,5 мансаб маоши миқдоридеа — 60976 сўм "мукофот" ни санаб олди. Ваҳоланки, 1999 йил 16 августда бошқа буйруқ билан жамиятдан мансаб маоши миқдоридеа — 31824 сўм мукофот пулини ҳам олди.  
Раисни мукофот пули ўз домига тортиди. Жамият

1999 йилда қора ва рангли металл топшириш режасини бажарилгани учун ўз номига 7840, ёнгин хавфсизлиги таъминлангани учун 5000, хорижга юқори сифатли маҳсулот жўнатилагани учун 32707, тайёрлов харажатларини камайтирилгани учун 31824, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилгани учун 14855 сўм миқдоридеа мукофот ёзиб чўнтакка урди. Хуллас, Э.Абдуллаев ўзбошимчилик билан ўз манфаатига мос буйруқлар чиқариб, 1999 йилнинг 11 ойи ичидеа жамиятдан иш ҳақи, қўшимча ҳақ, мукофотлар тарзида 443127 сўмни ўзлаштирди. Булар масаланинг бир тарафи эди ҳолос. Унинг бошқа қилмишлари ҳам кўртка ота бошлади.  
1999 йил 14 декабрида у хизмат хонасидеа ўтирган эди. Эшик очилиб, мумкинми, дея бир киши кирди.  
- Мен Раҳимжон Акрамов Наманган шаҳридаги "Тури хизмат" жамоа корхонасига қарашли пахта тозалаш ҳеҳиданман, - дея ўзини таништирди.  
- Сизларда пахта чиқиндиси, яғни "улуқ" сероб деб эшитдик. Шунга келгандим.  
- Қанча керак?  
- 5 тонна.  
- Ў-ҳў, намуначи кўп?  
- Зарур бўлиб қолди-да,



**- Шухрат Холмуродович! Шу йилнинг 23 мартида Юртбошимиз Сурхондарёга ташриф буюриб, Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташкари сессиясида нутқ сўзладилар. Унда бюджет таъминотидаги муассасаларда йўл қўйилган нуксонлар кескин танқид қилинганди. Орадан маълум муддат вақт ўтди. Молия тизимида қандай ижобий силжишлар вужудга келди?**

## «ТАНҚИД БАРЧАМИЗГА САБОҚ БЎЛДИ» Сурхондарё вилоят молия бошқармаси бошлиғи Шухрат МАНСУРОВ билан суҳбат

Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида ҳам, шунингдек, олдинроқ бўлиб ўтган йирик тарихий анжуман II чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг I-сессиясида билдирилган танқидий фикрлар биз молиячилар учун ҳам дастурамал бўлди. Аммо ачинарли ҳол шуки, Президентимиз қайсидир вилоят раҳбари ёки бирор идора раҳбариятини танқид қилгандан сўнггина улар ишга масъулият билан ёндаша бошлайдилар. Ваҳоланки, ҳаммиса хушёр ва зийрак бўлишимиз шартдир. Ижобий силжишлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, ҳар ҳолда ҳозирга қадар амалга оширилган ишларнинг самараси кўринмоқда.



Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида билдирилган танқидий фикрлар биз молиячилар учун ҳам дастурамал бўлди.

Масалан, вилоят маҳаллий бюджетнинг даромадлари қисми режаси шу йил биринчи чорақда 110,6 фоизга бажарилди. Маҳаллий бюджетга режадаги 3 миллиард 213 миллион 900 миң сўм ўрнига 3 миллиард 554 миллион 400 миң сўм ёки 340 миллион 400 миң сўм ортиқча маблағ туширилишига эришилди. Жорий йилнинг 1-чорақда бюджетга қарашли ташкилотларнинг кредитли қарзларини қоплаш мақсадида тайёрланган махсус схемада бўйича 773 миллион 700 миң сўм маблағ туширилди.

ҳотлар қандай кечиши керак? Президентимиз И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарига эндиги асосий вазифа бу жамиятни эркинлаштириш, иқтисодий ортиқча “кишан”лардан озод қилиш эканлиги алоҳида ўқитилади. Савол туғилади: қандай қилсак муассасалар, ташкилотлар зарурат туғилганда бюджетдан мураббат кутмасдан мустақил равишда ўзларининг иқтисодий, молиявий муаммоларини хал эта оладилар?

Утган йилнинг 3 сентябрда Вазирилр Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ жорий йилнинг январ ойидан бошлаб бюджет ташкилотлари ва муассасаларини молиялаштиришда олдинги тизимдан фарқли ўлароқ янги тизим жорий этилди. Шунга қўра, бюджет муассасалари харажатлари тўрт гуруҳга бўлинди: 1) Иш ҳақи, нафақа, стипендия ва унга тенглаштирилган тўловлар; 2) Иш ҳақидан ажратма; 3) Капитал қўйилмалар; 4) Бошқа харажатлар.

Иккинчидан, оқорида тартиб билан номма-ном саналган гуруҳларга мувофиқ навбатма-навбат молиялаштириш белгиланди. Бунда молия органларининг ҳисоб рақамларига тушаётган маблағлардан биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳамда иш ҳақидан ажратмаларини молиялаштириш кўзда тутилади.

Учинчидан, ушбу қарор заминада бюджетга қарашли ташкилотлар ва муассасаларни молиялаштириш тартиби тасдиқланди. Мазкур тартиб шу йилнинг бошидан жорий этилди. Унга қўра бюджет муассасаларига ўзлари ишлаб топган захира маблағлари билан ҳужалик юритиши имконияти бўлади.

**- Демак, муассасалар ва ташкилотлар учун қўшимча зарурий харажатларни мустақил молиялаштириш имконияти вужудга келибди-да?**

Ҳудди шундай. Муассасалар ва ташкилотлар махсус жамғармалар ҳисобига келиб тушган маблағларнинг 85 фоизини ўз рақамлари йўлида сарфлашлари, қолган 15 фоиз маблағ ҳисобидан эса ишчиларни рағбатлантиришлари мумкин. Яна шуниси аҳамиятга моликки, муассасалар топаётган даромадлардан икки йлгача бирор турдаги солиқни ҳам тўламайдилар. Топаилаж қўшимча даромадларни қўнишни молиялаштириш мақсадида Молия вазирилги ва тегишли идоралар томонидан ўтган йилнинг декабри ва жорий йилнинг январ ойида 9 та низом ҳамда йўриқномалар ишлаб чиқилди. Низомлар ва йўриқномалар Республика Адлия вазирилгида рўйхатдан ўтказилди.

# ЭНДИ ЙЎЛ ТЎСМАЙДИغان БЎЛДИ...

Бу дунёда “тўғон”нинг бошида ўтирган одамга ишинг тушмасин экан. Нега дейсизми?! Ишинг тушдими, тамом, у ўзини хон, қўланқасини майдон деб биларкан. “Бизнес фонд”нинг Андижон тумани ваколатхонаси вакили Қаҳҳор Абдуллаев ҳам ана шундайлардан чикиб қолди.

Тадбиркор Қаҳҳор Хайитхон Юсуповга чорвачилик билан шугуллангани умидида 500 миң сўм кредит сўраб фондга ариза берди. Аризани қабул қилиб олган Қаҳҳор Абдуллаев энди меъёрий ҳужжатлар тайёрлашни айтди.

Кредитни албатта берамиз, ахир, сиздек тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш бизнинг “корени” вазифамиз-ку, - деди у оғуни тўлдириб.

Шундан сўнг ҳужжатларни тайёрлашга киришган тадбиркор нотариал идорадан ишпоч қозони олди, унинг учун 700 сўм давлат божни тўлади. Шундан сўнг Қаҳҳор Абдуллаев:

- Бизнес режанинг бир тийинга қамат, бу ўтмайди. Ўзимизга 2500 сўм пул тўласангиз бизнес режани қойиллашиб тузиб берамиз, - дед қолди.

Тадбиркор дарҳол унинг кўлига 2500 сўмни тутқазди. Аммо тадбиркорнинг кредит олиш

**ҚОНУН ҲИМОЯСИДА**

орзуси ўғлицига қолди. Ойлар ўтса ҳам кредит ололмади. Бундай кредитдан умидвор бўлиб “қўйган қиллар” оз эмас эди.

Тадбиркор Турсунбой Ғойипов очик суд мажлисида берган баёнотида у ҳам Қаҳҳор Абдуллаевга ишониб чув тушганини нотариал идорага 264 сўм тўлаб, ишонч қозони олгани-ю, бизнес режа учун 2500 сўм тўлагани, аммо бир сўм ҳам кредит ололмаганини айтди.

Бундан кредит учун ҳужжат тайёрлаб, бизнес режа учун пул тўлаб, сарсон-саргардон бўлган қирқ тадбиркор алаҳ олганда қандай бўлади. Уларнинг аризалари “Бизнес фонд”нинг вилоят бошқармасига етиб бормасдан, Қаҳҳор Абдуллаевнинг “чўнтаги”да қолиб кетган. 1999 йилнинг апрел ойидан кейин берга қадар қирқ нафар фуқаро хусусий тадбиркорлик билан шугулланиш учун кредит оломай сарсон бўлди. Улар бир неча ой давомида аризаларига жавоб ололмадилар. Бу билан мансабдор шахс Қаҳҳор Абдуллаев фуқароларнинг мувожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган фуқароларнинг манфаатларига жиддий зиён етказгани киб харажатлар содир этганликлда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 144-моддаси, 1-қисми билан айбдор деб топилди. У тегишли жазосини олди. Тадбиркорларга келтирилган моддий зарар унинг ҳисобидан ундириб берилди.

Ҳа, тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва манфаатлари қонун ҳимоясида. Уларни сарсон-саргардон қиладиган, кредит берман, деб беҳуда лалқилатадиганлар ана шундай - қонун олинди жавоб бераверадилар.

Раҳматулла УЗОҚОВ,  
Андижон туман судининг судьяси

# ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ АСОСЛАРИ

Давлат назарияси – фундаментал умумназарий фан ва у фан давлатнинг пайдо бўлиши, ривож ва фаолият умумий қонунларини ўрнатувчи яхлит илмий институт ҳисобланади. Тошкент Давлат юридик институт профессорси З.Исломова яқинда “Адолат” нашриётида чоп этилган “Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (Давлат назарияси)” китоби шу илмий назарий муаммога бағишланган. Муаллиф республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг давлат назарияси фани бўйича биринчилардан бўлиб, мазкур йирик тадқиқотларни яратди.

Мўълумки, давлат ва ҳуқуқ назарияси қай даражада шаклланиши, ифодалангани, унинг хулосалари ва тавсиялари тармоқ юридик фанларнинг ривожига, улар базасининг бойлигига, шунингдек, давлат тизимини, унинг тузилиши, бошқаруви тизимини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Конституциявий давлат. Давлатнинг бошқаруви шақли - Республика. Ушбу тузилиш ва бошқаруви тизими мамлакатнинг ҳуқуқий ва демократик тамойиллари асосида фаолият кўрсатишидан далолат беради. Шу туфайли мамлакат

да давлат ва ҳуқуқ назариясининг тараққий этиши, таҳлил этилиши учун етарли база мавжуд. Муаллиф ўз китоби мундарижасини Президентимиз Ислом Каримовнинг давлатчилик таълимотлари асосида илмий-назарий жиҳатдан концептуал аниқ ва пухта белгиланган. Олти бобдан иборат мундарижидоги илмий моҳиятини, фуқаролик жамияти қоялари ва концепцияларини, жамият, давлат ҳамда ҳуқуқнинг ўзаро диалектик узвийлигини, давлат тушунчаси, моҳияти, белги ва типларини, давлат шакллари ва функцияларини, давлат ҳокимиятининг амалга оширишининг механизмлари тадқиқотдан иборат яхлит тизимдан ташкил топган. Ўз концепциясида келиб чиққан ҳолда, муаллиф давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети куйидагича белгилайди:

“... давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва харақатда бўлишининг энг умумий қонунларидан иборатдир.”

Муаллиф фанини ўрганиш методикасида кенг ўрин берган. Натигада фани махсус ўрганишни истаганларга қўлайлик туғилган. Фанининг бошқа илмий фанлар тизими билан узвий алоқаси, хусусан, унинг бошқа юридик фанлар тизимидоги аҳамияти, уларнинг ривожига ўрни яхши ёритиб

бирдан фарқларини кўрсатиб ўтади.

Асарда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлатнинг рол алоҳида ўрганилади. “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” миллий сиёсий қурилиш дастури маҳиятидан келиб чиқилгани ҳолда, жамият давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари чқур назарий ифодасини топган.

Муаллиф ўтмиш мутафаккирларнинг давлатчилик ва умуман, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларига суянган ҳолда давлат тушунчаси, унинг тарихий ривожланиши, белгилари, турлари ҳақида батафсил тўхталади. Либерал, тоталитар, авторитар ва демократик давлат тузилишларининг фарқлари, тушунчалари хусусидаги илмий таҳрибаларни умумлаштиради.

Китоб мундарижасининг мазмундорлигини таъминлаган оқимлардан бири унда демократик давлат тушунчасининг бир қатор кенроқ берилганидир. Зотан, муаллиф тўри эътироф этганидек, фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда ҳуқуқ ва эркинликлари доираси жуда кен бўлиб, улар вазифаларга кўра ўтмиш давлатчилик сиёсатидан кескин фарқ қилади.

Демократик давлат - давлат

нинг тамойила янги тарихий типидир. У илмий ололат тамойилларига, ҳуқуққа, қонунга, қонунчиликка асосланган маърифий давлатдир.

Давлат пойдеворининг бошқичма-бошқич тадрижий шаклланиши, йўлбошимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, жумладан, давлатчилик таълимоти ўларок, тўғал яхлитлик, концептуаллик касб этади. Дарҳақиқат, Президент таълимоти Ўзбекистон давлати назариясининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда, дегенда З.Исломова хах. Китобда давлат ва ҳуқуқ назарияси оид респондорлардан, қораш ва фикрлардан кенроқ фойдаланилганда унинг салмоғи янада ошган бўларди. Ваҳоланки, бу соҳада яхши тадқиқотлар мавжуд. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг давлат сифатида шаклланиши алоҳида тадқиққа лойик.

Умуман олганда, тадқиқот ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинди ва илмий-амалий аҳамияти юқори баҳоланди.

**Ф.РАҲИМОВ,**  
3-даражали Давлат адлия масалатчиси,  
юридик фанлари номзоди

**“Адолат” муҳфаси**

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ**

**УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

(ДАВЛАТ НАЗАРИЯСИ)

**АДОЛАТ**

**Шахсий амалиёт билан шугулланувчи нотариал идоралар муҳдорлари давлат идоралари муҳдорлари билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, фуқароларга деярли бир хилда хизмат кўрсатадилар. Тошкент шаҳар Сирғали туманида фаолият кўрсатаётган хусусий нотариал идоранинг муҳдори Тўйғул опа Эгамбердиева йигирма йилдан буён шу касбини эъозлаб келмоқда.**

**ЖАЛЛОД ОКЛАНМАДИ**

Тарихчи-олим А.Антонов – Осенко “Берия” сарлавҳали ҳужжатли китоб ёзди. Муаллиф Сталин-Берия қатагонларини бировдан эшитиб эмас, балки ўзи яхши билдиган шахс, чунки унинг отаси машҳур инжлобчи бўлиб, 1938 йилда отилган, онаси қамоқхонада ҳалок бўлган, ўзи эса 13 йил ҳисобда сақланган эди.

Берия устидан ўтказилган суд жарайни давомидида йилган далиллар бир неча даҳшатли романлар ёзишга етди, деб ҳисоблайди муаллиф.

... Берияни оқлаш юзасидан бўлган мувожаатни Россия Олий судининг ҳарбий хайъати 2000 йил 29 майда кўриб чиқиб, жаллодни отиб ўлдириш ҳақидаги ҳукмини тўғри, деб топди ва ўз кучида қолдириди.

**БУ АЖИБ ДУНЁ**

**ОТА ҚАДРИ**

уларнинг ёнига шошдим. Сўнг биз фарзандлар бирин-кетин онажонимизни табриқлай бошладик. Уларнинг кўзларида ёш қалқиди. Бу қувонч ёшлари эди, албатта.

Авал бундай тадбирларга отам бош бўлиб, табриқни ўзлар бошлаб берганларини эслаб, кўнглим аланачуқ гаш тортди. Отамнинг тўсатдан вафот этиши оиламиз учун катта мусибат бўлди...

Отамнинг эрқалашлари, мактабга кузатаётки ўпиб хайрлашишларини, хандон отиб кулишларини, набираларини ширин сўзлар билан эрқалашларини эслаб, соғиниб кўзларим жикқа ёшга тўлади. Ота-онамнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, оқибатини маҳалла-кўйда ёш

оилаларга намуна қилиб кўрсатишарди.

“От босган изни той ҳам босади” дейди ҳалқимиз. Ҳозирда акаларимнинг кеннойиларимга қилаётган яхши муносабатларини кўриб, отамдан ибратли фазилатлар қолган, дея фахрлини юраман. Акаларим онам ва менга отам йўқлигини билдирмасликка, далда бўлишга интилишарди. Мен мактабни аъло баҳоларда

**Қатра**

уларнинг ёнига шошдим. Сўнг биз фарзандлар бирин-кетин онажонимизни табриқлай бошладик. Уларнинг кўзларида ёш қалқиди. Бу қувонч ёшлари эди, албатта.

Авал бундай тадбирларга отам бош бўлиб, табриқни ўзлар бошлаб берганларини эслаб, кўнглим аланачуқ гаш тортди. Отамнинг тўсатдан вафот этиши оиламиз учун катта мусибат бўлди...

Отамнинг эрқалашлари, мактабга кузатаётки ўпиб хайрлашишларини, хандон отиб кулишларини, набираларини ширин сўзлар билан эрқалашларини эслаб, соғиниб кўзларим жикқа ёшга тўлади. Ота-онамнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, оқибатини маҳалла-кўйда ёш

Отажоним, руҳингизни, Шеърлар билан сийлайман. Ҳақрингизни тепасида, Баҳрингизни йнглайман.

Комила ҲАМИДЖУБАЕВА,  
Тошкент шаҳри

ОАВ материаллари асосида М. ЖАЛИЛОВА тайёрлади







Шеърӣ наҳза

ОНАЛАРНИНГ ОНАСИСАН, ВАТАНИМ!



ГЎЗАЛ ЮРТИМ

Асл юртим, асал юртим сен ўзинг, Гўзал юртим, ғазал юртим сен ўзинг, Қадим юртим, азал юртим сен ўзинг, Она диёр Ўзбекистон — гулистон, Камлик қилар таърифига минг дoston!

Суянчимсан, қувончимсан, Ватаним, Тoleимсан, ишончимсан, Ватаним, Йироқ кетсам, соғинчимсан, Ватаним, Она диёр Ўзбекистон — гулистон, Камлик қилар таърифига минг дoston.

Калбимизга шуур берди истиклол, Ахил элмиз, ёрдир, илло, истикбол, Бизга ҳали қанча юртлар қолар лол, Она диёр Ўзбекистон — гулистон, Камлик қилар таърифига минг дoston.

Оналарнинг онасисан, Ватаним, Доноларнинг доносисан, Ватаним, Керак бўлса ҳада этгум жон-танзим, Она диёр Ўзбекистон — гулистон, Камлик қилар таърифига минг дoston.

Улуғ йўлга тушиб олди карвонинг, Бешак элтар истикболга сарбонинг, Ушалгуси энди барча армонинг, Она диёр Ўзбекистон — гулистон, Камлик қилар таърифига минг дoston.

АЁЛ ҚАЛБИ

Аёл қалби — сирли-дунё, Зеболиги ибo, ҳаё. Аёл қалби — биллур томчи, Улуғ бахтдир ёр ишончи. Аёл қалби — тонгги шабнам, Кўзларида кўрмайлик нам. Аёл қалби сарoб эмас, Уни хўрлаш шараф эмас. Аёл қалби гўё япроқ, Узилмасин, асранг кўпроқ. Аёл қалби — сеҳрли най, Мафтун бўлгунг, ўзинг сезмай. Аёл қалби — сир-синоат, Шуқур, бардош ва қаноат. Аёл қалби — тилсим азал, Шул боис у кўркaм, гўзал. Аёл қалби — нозик шиша, Хушёр бўлинг, сиз ҳамиша. Аёл қалби — ёруғ чироқ, Хира тортар кетсанг йироқ. Аёл қалби мисли анор, Сири, сеҳри анорча бор. Аёл қалби — нозли гунча, Бедор кутинг очилгунча. Аёл қалби олис йўлди, Йўлда қолсанг, азoб мўлди. Аёл қалби бўлмасин тош, Аёл қалби бўлсин кўш!.. Аёл қалбин ардоқлайлик, Доғ туширмай пок сақлайлик. Аёл қалби гўзал бўлсин, Ҳеч туганмас ғазал бўлсин. Аёл қалби кўшиқ бўлсин, Яхши инсон ошиқ бўлсин. Аёл қалби буюк бўлсин, Босган изи суяк бўлсин!

ҚУЁНМИ, ИЛОНМИ НЕ ЎЗИ ЙИЛИНГ?

(Иккиюзламачига очиқ шеърӣ хат)

Билолмай ҳайронман сен нега ташна, Кимларга дўпписан, кимларга пошна, Танимай турибман, таништира ошна, Қуёнми, илонми, не ўзи йилинги?

Бировга белбоқсан, бировга ёқа, Бировга қамчи-ю, бировга тақа, Бировга дур, гавҳар, бировга чақа, Қуёнми, илонми, не ўзи йилинги?

Кимларга қулдонсан, кимларга гугурт, Кимларга тандирсан, кимларга-чи дуд, Кимларга сарӣёғ ва кимларга сут, Қуёнми, илонми, не ўзи йилинги?

Кимларга тўтиқуш, кимларга пичок, Кимларга қозонсан, кимларга ўчок, Кимларга устара, кимларга мунчок, Қуёнми, илонми, не ўзи йилинги?

Кимларга қозонсан, кимларга қалам, Бу ишинг ўзингга қилмасми алам, Сен кимсан, айта қол, ҳулласи қалом, Қуёнми, илонми, не ўзи йилинги?

Менглибой МУРОДОВ



Бугун - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Сайилхона


ОСОН ЭРМАС МУХБИРГА ХОТУН БЎЛМОҚ, ПУЛ БУРАБ ПАНЖАСИГА ПАНЖА УРМОҚ...

БАЙРАМ АРАТРАСДА МУХБИРЛАРИМИЗ ЖАХОНИНГ ТУРАИ МАМАКАТАЛАРДАН ХАБАРАЛАР ЮБОРТИШДИ. БУГУН УЛАРНИНГ АЙРИМАЛАРИ БИЛАП ТАЪРИФЛАШДИ.

АМЕРИКА. Орлик БОЙ А.

Бу ёғи қалам-қашлар айеми, қола-верса, сирли туҳумлар ҳақидаги мақоладан руҳланиб, мамлакатнинг барча штатларида даканг хўрозлар жанглари ташкил этилди. - дея кеча сим орқали хабар берди Американинг Туртқўшнат посёлкасида Орлик БОЙ А. - Чунки товуқларнинг қовундай-қовундай тушига эришишида хўрозларнинг "закалкаси" катта аҳамиятга эга.

Суратда: Муштарий қолиб хўрози билан.



GERMANYA. Хожя БОЙ Т.

Германиянинг Ленинободфурт шаҳридан махсус мухбиримиз Хожя БОЙ Т. юборган куйидаги хушхабар ҳам тугиш билан боғлиқ: Ленинободфурт тумани "Победа" колхозида яшовчи кекса мухбир (70 ёшда) Турсунбой ака (иш юзасидан икки йилга кетганди) бир йўла уч фарзандли бўлди. Уччала хотини ҳам ўзини яхши ҳис қилапти.



КАНАДА. Нигора Т.

Канадага норасмий визит билан учиб кетган мухбиримиз Нигора ТУРСУНЗОДА хабар қилади: Бельгия-Голландияда футбол бўйича XI Европа биринчилиги (Евро-2000) давом этмоқда. Голландия терма жамоасининг ҳужумчиси машҳур футболчи Деннис Бергкамп мазкур чемпионатдан сўнг терма жамоа уйинида бошқа иштирок этмаслигини эълон қилди.

Бунинг сабабини оғизга кучи етмаганлар бошқача шарҳлашапти. Маълумки, Деннис самолётда учтишдан қўрқадди ва керак жойларга автомашина ёки кемаларда борди. Кейинги жаҳон биринчилиги Япония ва Кореяда ўтказилди. У ерларга бориш учун эса самолёт-сиз бир неча ҳафта керак бўлади...



ТАХРИРИЯТДАН

Жамоамиз ижодкорларидан ташкил топган футбол командаси бузун бошқа тахририят ходимлари билан байрам матчини ўтказмоқчи эдилар. Лекин қаторимизда уйнаб, 3-4 та гол уриб беришга ваъда қилган Деннис ошнамиз... юқоридаги сабабларга кўра етиб келолмагани учун ўртоқлик беллашув кейинги йилинги 27 июнига қолдириди. Суратда: Деннис Камгап (узр, мусоаххик ҳазилдорлик) Бергкамп Канада аэропортида.

Шавкат АКРОМОВ орқа томондан сездирмай суратга олган




Ҳамкасбларга аталган хабар+ҳанда+ҳангомалар муаллифи Тўхтамурод ҲАСАНБОВЕВ

ХИНДИСТОН. Обид Баччан.

Кеча ОБИД пайтида Хиндистондан сиз қоққан ҳамкасбимиз Обид БАЧЧАН журналистлар байрами муносабати билан ўтказилган ажойиб кўрик ҳақида қуйидагиларни хабар қилди:

Бу ерда ҳам худди Ўзбекистондаги каби турли ижодий мусобақалар ўтказилар экан. Яқинда мен ҳақимда мақола берган бир газета тахририятида "Йўқдан бор қилайлик" шиори остида конкурс бўлиб ўтди. Унда мухбирлар биргина фамилиянинг ўзидан хабар-мақолалар ёзиш, кичик ҳажмдаги материаллардан гиштдай-гиштдай лавҳалар ясаш каби шартлар бўйича қизгин баҳс-лашдилар.

Қизиқарли мусобақада газета ходими Баланд ПАРВОЗОВ энг кўп балл тўплади. У кекса журналист Шаблоний соҳибнинг "Чўзганда лағмон" китоби билан мукофотланди.



ҲОДИСА

Сурхондарё вилоятидаги мухбиримиз Бахтиёр Олломурадга "Байрамга би-ир "тандир" уюштирасизми..." дея телефон қилувдик. ...Бахтиёр "заказ"ни удалади. Кеча у юборган тандирлар Тошкентга КамАЗда етиб келди.

Суратда: юқлар туширилган пайт.



Эшитмадим деманглар. Байрамимизнинг "бадий" қисми ўзимизнинг Сайилхона кўчасида бўлиши кутилмоқда. Чойхоначи ва ошпаз биродарларимиз гапида турса, шу кун ишонамиз рўпарасида жойлашган Бахтиёр аканинг "точка"сида бир пиёла чойи билан "Ош тагида қолиб кетади" дея номланган "театрлаштирилган" мусикали(сиз) давра уюштирилади. Сиз ҳам меҳмонимиз бўлинг!



МАТБЕЪОТ ШАРҲИ

Ассалому алайкум, ҳурматли телемуштарийлар! Энг аввало, матлуботчилар (айрим мухбирларнинг савдога уриб кетганига шама қилайти, шекилли) кун билан барчангизни қўтлайман! Яхши ният билан ёзган гиштдай-гиштдай материалларингиз ҳеч қачон болта кўрмасин.

Мен бугунги шарҳимни мухбирлар оромгоҳидан "живой" олиб бораётман. Қўлимдаги газета уч хил тилда чиқадиган "Популярний" номли нашр. Унинг биринчи саҳифасига берилган шапка бугунги байрам кунда аксарият ҳамкасбларимизнинг юракларини титратвориши аниқ, чунки у журналистларнинг рафикалари, яъни жонини газетга тижкан кимсалар билан бир умр чидаб яшаб келаётган темир иродали Аломатхонларга бағишланган.

"Осон эрмас мухбирга хотун бўлмоқ, Пулни деб панжасига панжа урмоқ..."

Шапканинг зўрлигини қаранг. Ушбу саҳифадан ўрин олган "Айтишув кечаси" номли мақола кўпчилик эътиборини жалб этиши аниқ. - Яқинда ар-хотин Рашиқул ва Гумонниса Жағажовлар хондониди наватдаги айтишув кечаси бўлиб ўтди. - дея бошланади хабар. - Ёш мухбир Рашиқулга 27 июнга ишхонада мукофот чикмай қолгани, Гумоннисанинг эса кечки наватчиликдан масъул котиб машинасида қайтиши ушбу айтишувнинг жанжалга айланишига сабаб бўлди. Бақир-чақирдан кўриб кетган уч бола хор услубидаги йиғилари билан айтишувнинг бадий қисмини давом эттиришди. Дом тагида ўтирадиган бекорчи аёллар фаоллигида уюштирилган бу тадбирда "Номин улус, супраси курук", "Чинни синса, стенка бўшар" каби замонавий мақол ва маталлардан ижодий фойдаланилган. Айтишув кечаси томошага йиғилган барча кўни-қўшилларда илиқ таассурот қолдирди, дея қуйиланади мақола. Газетанинг бошқа бетларида ҳам шу ва шунга ўхшаш долзарб мавзудаги мақолалар ўрин олган. Мен шарҳни тугатар эканман, барча ҳамкасбларимга ҳаётда ва ижодда Болтадек кескир, Чопрадек чопкир бўлишларини тилаб қоламан.

Шарҳни журналист Болта ЧОПРА олиб борди

Энг, энг, энг

БИЗНЕС ШОУ

Джей Орбергнинг автомобили

Англиянинг Калифорния штати Бербаин шаҳрида истиқомат қилувчи Джей Орберг 26 гилдиракдан иборат 395 метрли узунликдаги лимузин автомашинасини ихтиро қилди. Унинг бошқа автомобиллардан фарқи шундаки, у трамплиндан сакраб сувда бемалол сузиш ҳамда сувости кровати вазифасини бажариш хусусиятига эга.

Пентагон биноси

Дунёдаги энг катта маъмурий бино-АҚШнинг Виржиния штатининг Армингтон шаҳрида қад ростлаган Пентагон биносидир. Унда АҚШ Мудофаа вазирлиги жойлашган бўлиб, 1943 йилнинг 15 январиди қуриб битказилган. 604.000 м² майдонни эгаллаган. 5 қаватдан иборат. Бу бионинг бунёдга келишига ўша вақтда 83 миллион доллар пул маблағи сарфланган.

Митти балиқлар

Атлантика океани жануби, Тинч ҳамада Хинд океанларида учрайдиган энг катта балиқ-акулалар (Ahipcodon Turus) ҳақида эшитганмисиз?

Денгиз жониворлари ва ўтлари билан озикланувчи шундай баҳайбат балиқлар 1949 йилда Баба оролида тутиб олинган. Унинг оғирлиги 15-21 тоннани, узунлиги 12,65 метрни, йўғонлиги эса 7 метрни ташкил этар экан.

Узунлиги 9 ммча келадиган митти балиқларни (тримматон) эса Хинд ва Тинч океанларида учратиш мумкин экан.

Чивинлар

Африканинг жанубида учрайдиган малярия ҳамда турли тери касалликларини келтириб чиқарувчи - Анофелес (Anopheles) чивинларининг тажовузи эраимиздан аввалги тош асридаёқ аҳолининг 50 фоизининг ўлимига сабаб бўлган экан. Ҳозирги кунда ҳам Жанубий Африка мамлакатида малярия ҳамда қандли диабет касалиги оқибагида йилга минглаб кишилар ҳаётдан кўз юмаркан.

Уллубек ДЎСМАТОВ тўйёрлади

МУАССАСА ҲАЗИРАТНИНГ РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ Сирожиддин РАҲИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Индекс: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН»-газетаси тахририятида саҳифаланди.

Навбатчи: Н. ТУРСУНЗОДА Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:

700047, Тошкент шаҳри, Сайилхона кўчаси. Тел: 133-2411

